

Нострадамус...

20:48 / 27.04.2016 6109

Нострадамуснинг башоратлари хатто кун-кунигача тўғри келадиган ҳолатлари бор. У келажакни қандай билган?

Нострадамус ҳақиқатан келажак тўғрисида гаплар айтганлиги, уларни тўғри чиқаётганлиги бошқа тўғрисида дунё бўйича ҳар ҳил шов-шув гаплар юради. Лекин уни илмий таҳқиқи, таҳлили ҳозиргача йўқ мени тушунишимда. Чунки бундай гаплар ҳар ҳил шароитларда чиққан бўлади, тўғри келса одамлар тўғри келди шов-шув қилишади, тўғри келмаса индамай кетаверишади, биров хатто эслаб ҳам қўймайди бу нарсани. Ана шу тарзда бундай шов-шувлар кўпайиши мумкин бу бир. Иккинчидан бундай нарсалар синов учун, фитна учун одамларни кимлигини аниқлаш учун қўйиб берилиши мумкин. Асли ислом эътиқоди бўйича ғойибни Аллоҳдан ҳеч ким билмайди. Нафақат йиллар давомидаги гапларни балки бир лаҳзадан кейин, беш дақиқадан кейин нима бўлишини ҳам ҳеч ким билмайди, фақат Аллоҳнинг Ўзи билади деган эътиқодни қилишимиз керак. Бундай гапларга ҳеч қачон учмаслигимиз, инсон боласи ғойибни билар экан аввалги яъни кейинги келадиган нарсалардан ҳабар топар экан деган гапларни ҳам эътиборсиз қолдиришимиз керак, ишонмаслигимиз керак. Бу ерда бу саволда бир луғавий хато ҳам бор, бу оммалашиб кетган хато, ҳамма йўл қўядиган хато, ўрганиб кўникиб қолган хато ва ажралиши қийин бўлаётган хато. "Нострадамуснинг башоратлари" деяпти, "башорат" деган сўз "башара" дан олинган бўлиб севинчлик ҳабар билдиради. Яъни уни эшитган одам юзида қувонч пайдо бўлади, суюнчилик ҳабар деган бўлади. Бу ердаги башорат эса демак у эмас ғойибдан ҳабар бериш маъносини англатади. Бу эса мутлақо башорат сўзига тўғри келмайдиган ҳолат.